ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ҲУДУДИЙ МАРКАЗИ

“Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим методикалари” кафедраси

БОЛАНИНГ ГАРМОНИК РИВОЖЛАНИШИ



БУХОРО 2019

Қўлланмада боланинг самарали ривожланишига ҳисса қўшадиган муҳитни қандай ташкил этиш ҳақида сўз боради. Аниқ ва батафсил кўрсатмалар ота-оналар ва тарбиячиларга болаларнинг индивидуал жисмоний ва интеллектуал ривожланиш дастурини яратишга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Тузувчилар: **Ядгарова Гулбаҳор Тиллаевна**
Асланова Нозима Ҳакимовна

Тақризчилар:

У.А.Қосимов – Педагогика, психология ва таълим менежменти” кафедраси мудири, Пс.ф н, доцент

Г.Ш.Каримова - Бухоро вилояти Мактабгача таълим бошқармаси методисти

Ушбу методик қўлланма Бухоро ВХТХҚТМОҲМ илмий кенгашининг 2019 йил__ _____ даги ___-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Сўз боши

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “2017-2021-йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори баркамол авлод таълим-тарбиясини сифатли босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда болаларни мактабга сифатли тайёрлаш ишларини тубдан яхшилаш, уларнинг гармоник ривожланиши учун илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда зарурий шарт-шароитларни яратиш, тарбиячи-мутахассислар, ота-оналар ва педагогларнинг билимларини янада оширишга доир ўқув қўлланмаларни замон талабларига мувофиқ тайёрлаш, мактабгача таълим муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Г.Ядгарова ва Н. Аслановаларнинг “**Боланинг гармоник ривожланиши**” номли методик қўлланмаси педагог-тарбиячилар ва ота-оналар учун тайёрланган бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида болаларга таълим ва тарбия жараёнини мукаммал ташкил этишда амалий ёрдам беради.

У.А.Қосимов – Пс.ф н, доцент

БОЛАНИНГ ГАРМОНИК РИВОЖЛАНИШИ

Болаларнинг гармоник ривожланиши унинг ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ривожлантириш ҳисобланади. Янги туғилган чақалоқнинг моторик ривожланиши нафақат келажакда интеллектуал, балки бошқа потенциал имкониятларини ривожланишига тайёргарлигининг муҳим қисмидир.

Таниқли психолог ва шифокор Глен Даманнинг бу борадаги тадқиқот натижаларига назар ташлар эканмиз, у боланинг мия жароҳатини даволаш фаолияти жараёнида ажойиб натижаларга эришиб, боладаги туғма интеллектуал қобилиятларни ва уларнинг ривожланишидаги салоҳиятни беҳуда йўққа чиқариб юборишимизда катталарнинг сабабчи бўлишини очиб берган. У узоқ йиллар давомида боланинг ривожланиш жараёнини ўрганиб, кўпгина асосли далилларни аниқлаган, яъни биз катталар фарзандларимиз қобилиятини билвосита нотўғри баҳолаймиз, уларнинг билим олишига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида пайқамай ўтказиб юборишимиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бугунги кун боласи биз ўйлаганданда қобилиятлироқ эканлигини англаб етишимиз даркор. Зеро бу ҳолат, боланинг илк жисмоний ҳаракатларининг ривожланиши ижтимоий ва ақлий жиҳатдан такомиллашишида ҳам таъсир этади.

Янги туғилган чақалоқнинг илк ҳаракатлари унинг нафақат ақлий ривожланишида балки бошқа имкониятлари ва салоҳияти даражасининг такомиллашишида асосий муҳим омилдир.

Умуман, жисмоний машқлар жараёни оддий ва самимий жараён бўлиб, болалар билан бажарилган машғулотлар уларнинг эмаклашидан бошлаб то бошқа гимнастик машқлари, ҳаракатли ўйин орқали инсоний қувноқликни ҳис этади.

Мазкур тажриба қувноқлик, хурсандчилик, эришилган ютуқлардан ғурурланиш ҳолати билан боғлиқ бўлиб, боланинг узоқ инсоний етукликка эришиш йўлидаги бошланғич қадам сифатида хизмат қилади.

Бинобарин, боланинг жисмоний етуклиги қанча тез амалга ошса, унинг мия фаолиятида ривожланиш тез кечади. Шундай қилиб, боланинг ақлий ривожланиши, билиш қобилияти унинг жисмоний етуклигининг даражасига боғлиқлиги ҳаммага маълум.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, доимий жисмоний ҳаракатлар юрак фаолиятига, қон айланишига, қон босими, қон таркибидаги қанд ва ёғлар миқдорини меъёрда бўлиши, ўпка, вазн, чидамлилик ва ўзини яхши ҳис этишга ижобий таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида асаб тизимининг ривожланиш фаоллигига олиб келади.

Бу жараённинг, яъни жисмоний ҳаракатларнинг доимий ташкил этилиши, боланинг ҳар томонлама гармоник ривожланишига, унинг ҳам

интелектуал, ҳам ижтимоий ўсишига, қолаверса организмнинг соғлом бўлишига ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Глен Доманнинг тадқиқот натижаларига кўра:

- Инсон бош миясининг ривожланиши унинг доимий фаоллигига боғлиқ ва бу ривожланиш 6 ёшларда деярли якунига етади;
- Кичик ёшли боланинг ўқишга бўлган қизиқиши бошқаларга нисбатан устун бўлади;
- Бола учун энг юксак совға катталарнинг эътибори, хусусан, ота-оналар меҳридир;
- Энг зўр ўқитувчи бу ота-онадир. Улар ўзлари ҳамма нарсани ўргатишга қодир, агар у билимлар ҳакикий ва асосли бўлса, албатта.

Олимлар инсон ҳаракатини амалиётда, яъни ўн мингга яқин янги туғилган чақалоқлар, болалар, ёши катталар ва қариялар, шунингдек, она қорнидаги илк ҳаракатлар шаклидан бошлаб то эмаклаш, тирмашиш, югуриш, чопиш, гимнастика машқларигача, кексалик даврининг ҳаракатлари сусайишигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Маълумки, биз, катталар, ота-оналар, фарзандларимизнинг энг қимматбаҳо вақтини беихтиёр исроф қилишда айблаймиз ва уларга атрофдаги оламни кашф этишни тақиқлаймиз. Ваҳоланки, боланинг эрта моторик ривожланиши кейинчалик унинг ижтимоий ва интеллектуал ривожланишига таъсир қилади.

Маълумки, мактабгача таълим бола тарбиясида асосий ўрин эгаллайди. Бу таълим 3 ёшдан 7 ёшгача болаларнинг таълимий ва тарбиявий эҳтиёжларини қондиришга асосланади. Республикамизда бу тизимда болаларни жисмоний, ижтимоий-ҳиссий, нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари, билиш ва ижодий ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган. Мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган фаолият турлари ҳам шу жиҳатларни ривожлантиришга асосланади. Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг бошланғич бўғини ҳисобланиб, бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга қизиқишни шакллантириш мақсадини кўзлаган ҳолда, олти-етти ёшгача оилада, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида олиб борилади. Мактабгача таълимнинг мақсад ва вазифаларини татбиқ этишда жамоат ва ҳомий ташкилотлари, маҳалла, халқаро фондлар фаол иштирок этадилар. Мактабгача таълим-боланинг индивидуал ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг жисмоний ва психик ривожланишини таъминловчи, уни узлуксиз таълимнинг кейинги босқичи - мактабга боришига замин яратувчи, ҳар томонлама мақсадли йўналтирилган таълим ва тарбия жараёнидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори ижросини таъминлашда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, аҳлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини изчил давом эттириш мақсад қилиб олинди. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. Таълим тизимининг ҳозирги кундаги ривожланиш босқичида унинг биринчи бўғини ҳисобланган мактабгача таълимда жадал ўзгаришлар юз бермоқда ва улар қуйидагиларда намоён бўлмоқда. Жумладан, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асоси такомиллаштирилиши билан бирга нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғи кенгайтирилмоқда. Болажонлар учун таълимнинг илғор технологиялари жорий этилмоқда. Мактабгача таълим соҳасида фаолият юритаётган тарбиячи- ходимлар малакасини ошириш тизими такомиллаштирилиб, қисқа муддатли гуруҳлар асосида мактабгача таълим ташкилотларининг муқобил шакллари жорий этилмоқда.



Мактабгача таълим ўзининг шакл ва усулларидан қатъий назар қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

- болаларнинг жисмоний ва психик соғлигини мустаҳкамлаш;
- болаларни миллий, умуминсоний, қадимий ва маданий қадриятларга жалб этиш;
- боланинг ақлий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш;

-миллий анъаналар ва удумлар асосида юксак аҳлоқий ва маънавий сифатларни шакллантириш;

- болаларни тизимли ва мақсадли равишда мактабда таълим олишга тайёрлаш, уларнинг индивидуал хусусиятлари ва иқтидорини ривожлантириш.

Оқилона ташкил этилган соғлом ижтимоий-маънавий муҳит болаларда изланишга, ташаббус кўрсатишга ва ижодкорлик қобилиятларини намоён этишга рағбат уйғотади. Бунда тарбиячилар бола ривожланиши қандай кечаётганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишлари, бунинг учун эса

уларни доимий равищда назорат қилиб боришлари зарур бўлади. Тарбиячи ўқув материалини болаларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларга муносиб тарзда етказадилар. Мактабгача таълим ташкилотлари педагогик жамоасининг ўрни шундан иборатки, улар ҳар бир боланинг қизиқиши, қобилияти ва эҳтиёжини инобатга олган ҳолда мос келадиган мақсадлар қўйишлари, болалардаги табиий қизиқишларни қўллаб-қувватлашлари, уларда борлиқни биргаликда ўзлаштириш кўникмаларини шакллантиришлари керак.

Бола ривожланишининг ўзига хослигини инобатга олишда аввало шуни тушуниб етиш керакки, барча болалар ривожланишнинг маълум босқичларини босиб ўтадилар, бироқ бунда ҳар бир бола ноёб ва такрорланмасдир.

Тарбиячилар болаларни айнан бир хил, ўхшаш нарсалар ва фаолият турлари билан таъминлашлари учун уларнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари лозим. Шунингдек, тарбиячилар бир хил ёшдаги турли болаларнинг қобилиятлари ва қизиқишларидаги фарқларга эътибор билан муносабатда бўлишлари кераклигини мутахассислар алоҳида таъкидлашади. Бунда бола ривожланишининг ўзига хослигига доир, болалар қизиқишларига жавоб берувчи фаолият турлари, яъни уларнинг ақлий, ижтимоий ва маънавий етуклик даражаси назарда тутилади. Бундай фаолият турлари болаларнинг табиатга қизиқишларига, тажрибадан қониқиш ҳосил қилишларига ва ўз ғояларини тажрибада синаб кўриш хохиш-истакларига қаратилгандир. Бунда болаларда пайдо бўлган саволларга ўзлари жавоб топишига ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, саволга жавоб излаш баробарида болада қизиқиш, далиллаш ва эътибор бериш автоматик тарзда фаоллашади. Бунда тарбиячининг роли саволни соддалаштирмасдан ва болани кўп ахборот билан чалғитмасдан уни қониқтирадиган жавоб топиш йўлларини биргалашиб қидиришдан иборатдир.

Ривожланиш марказларидаги таълим жараёнида болаларнинг ўзлари тегишли ривожланиш марказини ихтиёрий танлай бошлайдилар. Болаларни мустақил гуруҳларда ишлаши, индивидуаллаштиришда тарбиячи шундай фаолият турларини ўйлаб топадики, унда барчага бирдек кўрсатма берилсада, бироқ ҳар бир бола ундан келиб чиққан ҳолда ўзи мустақил равишда муваффақиятга эришишига имкон берилади. Индивидуаллаштириш даражасини оптималлаштириш мумкин. Эпчиллик ва топқирлик талаб этиладиган фаолият турини танлаган ва болаларни диққат билан кузатган ҳолда тарбиячи зарурат туғилиб қолса топшириқ ва материалларни ўзгартириши ёки мослаштириши мумкин.

“Илк қадам” ўқув дастури асосида мактабгача таълим муассасаларида қуйидаги ривожланиш марказлари фаолияти юритилиши назарда тутилади:

- Қуриш-ясаш, конструкциялаш ва математика маркази

- Сюжет-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази
- Тил ва нутқ маркази
- Илм-фан ва табиат маркази
- Санъат маркази
- Мусиқа ва ритмика маркази.

Ривожланиш марказлари болаларга ўзларининг шахсий кўникмалари ва қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнини мустақил индивидуаллаштириш имкониятини беради. Масалан, санъат марказида бир бола қоғоз қирқади, бошқа бола эса шу қоғоздан қайчи билан ўзи ўйлаган шаклчани кесиб олади. Стол устида ўйналадиган ўйинлар марказида бир бола тўртта ёғоч кубикдан шакл ясайди, бошқа бирови эса йигирма беш бўлакли картон қоғозли тасвирни тузишни маъқул кўради. Тарбиячи жараёнда болаларни кузатади ва уларнинг ривожланишига дахлдор фикрларни ёзиб боради. Анча вақтдан сўнг у болаларга вазифани мураккаблаштирувчи материалларни таклиф этади ёки вазиятга қараб ана шу вазифаларни бажаришда болага тўғридан тўғри ёрдам беради. Бундай йўл тутиш туфайли бола самарали тарзда ривожланади.

Тарбиячилар ривожланиш марказларида болаларнинг ёрдамчилари ролини ўйнайдилар, машғулотлар олиб бориладиган жойда имкониятлар кенглигини таъминлайдилар ва ҳар бир бола индивидуал ривожланиши даражасини эгаллай олган олда фаолият турларини режалаштирадилар.

Кун тартиби турли машғулот турларини ўзида қамраб олиши лозим: кичик гуруҳларда, биргаликда ва тарбиячи ҳамкорлигида якка тартибда (индивидуал) ёки мустақил (улар томонидан танлаган машғулотларга вақт ажратиш керак, чунки болалар онгли танлаб олишни ўрганадилар, ўз қизиқиш ва қобилиятларини амалга оширадилар). Болаларнинг ўз танловларини амалга ошириши, муаммоларни ҳал этиши, атрофдаги кишилар билан биргаликда ҳаракат қилиши, индивдуал мақсад қўйиши ва унга эришишни билишлари лозим.



Гуруҳлардаги марказлар шундай тарзда яратилиши керакки, у болага мустақил танлаш имконини берсин. Ҳар бир гуруҳда 6 та марказлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида изланиш ва ўйинлар учун етарли миқдордаги материаллар сақланади.

Қурилиш, конструкциялаш ва математика марказида турли хил шаклдаги қурилиш элементлари мавжуд бўлиб, болалар улардан ўз фантазиясига таянган холда иншоотлар бунёд

этадилар: мисол учун кўрган тарихий обидалари, уйлар, гаражлар, ферма ва шу кабилар. Қурилиш билан машғул бўлган болалар бу ерда жуда кўп нарсаларни ўзлаштириб оладилар. У болаларнинг математик қобилиятларини ривожлантиришга, ижтимоий кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради, муаммоларни хал этиш тажрибасини орттиради. Бу ерда, шунингдек, ижодий ёндашишни намоён этиш ва бажариладиган ишга диққатни жалб этишни ўрганиш мумкин. Ушбу марказга тарбиячилар ва болалар хоҳиш-истагига кўра кўплаб турли нарсаларни – ўйинчоқ машиналар, юк машиналари, самолётлар, газлама бўлакларини қўшиб қўйиш мумкин.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш марказида болаларда ҳақиқий ҳаётдан олинган кичик саҳна кўринишларини ўйнашга хохиш-истак уйғотиш учун албатта керакли кийимлар ва бошқа нарса-анжом лар бўлиши зарур. Сюжетли ўйинлар боланинг атрофда содир бўлаётган воқеа ҳодисаларни моҳятини англашга ва уларни мазмунини тушиниб, бир биридан ажрата олиш малакалрини шакллантиради ҳамда образлар орқали ҳаётдаги ўз ўринларини тушуниб етишларига ёрдам беради. Бунда боланинг қайси образни яратишни истаётганлиги албатта инобатга олиниши керак. У шундагина бу ролни мароқ билан бажаришга интилади ва унинг ақлий, психик ва жисмоний ривожланишига ижобий таъсир этди.

Тил ва нутқ марказида китоблар ва эшитиш ҳамда чизиш учун ўқув қуроллари мавжуд бўлади. Бу бурчак тинч, осойишта ва сокин жой бўлиб, унда болалар китобларни қараб чиқишлари, бир-бирларига китобдаги персонажлардан ҳикоялар тузиб айтиб беришлари мумкин. Шунингдек, бу ерда тарбиячи ёки кўнгилли ёрдамчи болаларга китобни овоз чиқариб ўқиб бериши мумкин. Унда болаларга китобчаларни ўз қўллари билан ясаш, мавзу(сюжет)ларни ўйлаб топиш ва ижро этиш, ҳикоялар эшитиш таклиф этилади.

Илм-фан ва табиат марказида бошқотирма ва конструктор каби болалар йиғиши ва бўлакларга ажратиши мумкин бўлган нарсалар бўлиши лозим. Бу ерда, шунингдек, болаларнинг бир хилда таққослашлари, турлича таснифлашлари, санашлари учун ёрдам берадиган ўйинлар ҳам бўлиши керак. Ушбу марказда болаларнинг табиат ҳодисалари ҳақида билиб олган тушунчалари ва кўчадан топилган нарсалар билан машғул бўлишлари учун фойдаланилади.

Санъат маркази болаларнинг ўз ижодий қобилиятларини синовдан ўтказиш ва амалга оширишга рағбатлантиради, уларга янги материаллар билан танишишдан қониқиш олиш имкониятларини беради, болаларнинг сезиш қобилиятини бойитади. Бу ерда бўёқ, қоғоз, қайчи, бўрчалар, қаламлар, газлама бўлаклари ва кесиш ҳамда елимлаш учун турли қийқимлар мавжуд. Шунингдек, табиий материаллар – ёғоч, барг, қум-тупроқни ҳам қўшиб қўйиш фойдадан холи эмас. Ушбу марказдаги машғулотлар ижодий

қобилият, сўз орқали ва сўзсиз мулоқот, умумий ва нозик ҳаракатланиш, ақлий қобилиятни ривожлантиришга йўналтирилган.

Мусиқа ва ритмика маркази бутун кун давомида машғулотларни бирлаштириш учун фойдаланиш мумкин. Куйлаш, ҳаракатлар, қарсак чалиш, ўйинлар, мусиқа асбоблари чалиш ва ёзилган куй-қўшиқларни тинглаш ҳар қандай дастурни яхшигина тўлдиради. Мусиқавий машғулотлар зеҳнни чархлайди, ритмга, санашга ўргатади ва нутқни ривожлантиради; умумий ва нозик ҳаракатланишни (моторикани) ривожлантиради ва ижодий қобилиятни намойиш этишга имкон беради.



Педагогларнинг вазифаси – болаларнинг мулоқотга киришишга бўлган қизиқувчанлигини рағбатлантирувчи муҳитни яратиш ва болаларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига қараб, ўз вақтида керакли шароитларни мослаштирган хамда уларни кузатишдан иборат. Индивидуал ёки кичик гуруҳлар учун топшириқлар ота-оналар билан суҳбатлашгандан сўнг, қайсидир кўникмаларга алоҳида эътибор бериш учун ишлаб чиқилади. Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари машғулотларга келар эканлар, улар ўз фарзандларида иштиёқнинг ортиб бораётганлигини, интилишнинг ўсаётганлигин ҳис этадилар ва таълим жараёни қандай бораётганлигини, келажакда билимли, ижодкор кишилар бўлиш учун болалар қандай ўзаро мулоқот қилаётганликлари, келишаётганликлари, изланаётганликлари ва билим ҳамда кўникмаларни эгаллаётганликларининг гувоҳи бўладилар. Бу ишларнинг изчилликда амалга оширилиши таълим соҳасиданинг сифат ва самарадорлигини ошириш учун муҳим омил сифатида хизмат қилади. Болаларнинг мактабга ҳар томонлама тайёр ҳолда келиб билим олишлари учун замин яратади.

Болаларга жисмоний машқлар билан шуғулланиш қувончли жараён эканлигини барчамизга маълум. Бола жисмонан қанчалик тез ривожланса, унинг мияси ҳам шунчалик жадал ривожланади. Шундай экан, боланинг интеллектуал ривожланиши, потенциал когнитив қобилияти унинг жисмоний камолот даражасига бевосита боғлиқ. Тадқиқотлар натижасига кўра, инсон мияси доимий равишда ривожланади ва бу ривожланиш олти-етти ёшгача

тугайди. Шунинг учун ҳам ёш болалар катта ёшдагиларга қараганда кўпроқ ўрганиш қобилиятига эга. Бу борада эса, энг яхши устозлар ота-оналар бўлиб ҳисобланади. Улар фарзандига ўзлари билган барча нарсани ўргатишлари мумкин. Лекин бу билимлар ҳақиқат ва далилларга асосланган бўлиши зарур. Чунки болаларнинг жисмоний камолот йўлида ривожланиши нафақат болалар учун, балки ота-оналар учун ҳам қувонч келтиради.



Бугунги кунда, инсон барча мавжудотлар ичида энг ақлли ва энг даҳшатлисига айландики, у сайёрамизни йўқ қила оладиган ёки ўзи ўзи орзу қилган ер юзидаги жаннатни яратадиган ягона одамдир. Бу инсоннинг юқори даражада ривожланган ақлий ва жисмоний меҳнатидан келиб чиқади. Кейинги йилларда инсон қўли асосидаги меҳнат натижалари янада моҳир, чиройли, мураккаб бўлиб бормоқда. Мисол учун спорт соҳасида ҳозирги гимнастикачилар ўсмирлик йилларида ярим аср илгари гимнастикачилар ҳатто орзу қилмаган машқларни бажарадилар. Инсон заковати инсоннинг ҳаракатчанлиги ва қўл фаолиятининг уйғунликда ривожланиши шунда билинади. Ҳар бир нормал бола туғилганида, у юқори ақлий салоҳиятга эга бўлади. Ёш болалар бир неча тилларда ўқиш ва мураккаб математик машқларни қандай бажаришни, қандай скрипка концерти беришларини ва санъат ва фанлар соҳасидаги ўзларининг энциклопедик билимларини намойиш этишлари мумкин.

Хўш, бундай болалар кимлар? Ва қандай қилиб улар ажойиб муваффақиятларига эришиши мумкин?

Уларнинг аксарияти оддий оилаларда, баъзилари кам таъминланган оилаларда туғилган ва уларнинг жуда оз қисми бадавлат оилалардан бўлиши мумкин. Булар: янги туғилган чақалоқлар, албатта, улар ҳали ҳам барча машқларни бажаришга қодир эмаслар ёки энди ҳаётга тайёрланаётган икки ёшли болалар ёки ҳамма нарсани қандай қилишни аллақачон ўзлаштирган уч ёшли болалар, жуда яхши ишлашни биладиган беш ёшли болалар ва ниҳоят, ажойиб натижаларга эришган ўн ёшли болалар. Аслида, буларнинг барчаси оддий болалардир.



Улар жисмоний ривожланишнинг табиий натижаси бўлган ажойиб гимнастикачига айланиши мумкин. Ёки скрипкани мукаммал ижро этадиган ноёб қобилият эгасига айланиши мумкин. (бошқа тенгдошлари сингари) Бу болаларга гимнастика машқларини бажаришни, скрипкада ўйнашни, кўплаб нарсаларни завқ билан тайёрлашни ким ўргатган? Албатта, ота ва она ва устоз-тарбиячилар. Улар болаларга таълим ва тарбия беришни бошлашганда, уларнинг гимнастикачиларга, мусиқачиларга, рассомларга ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги мумкин.

Оилавий ҳаётдаги энг муҳим нарса - бу фарзандлар ҳисобланади. Табиийки, боланинг манфаати ота-она учун биринчи ўринда туради. Умуман олганда, катта ёшлилар болалар билан уларнинг ҳис-туйғуларига мувофиқ муомала қилишлари керак. Бола тарбияси учун бу ривожланишнинг қулай муҳити бўлади.

Ота-оналарнинг уч гуруҳи мавжудки, булар болаларни умуман тарбиялай олмайдиган, болаларни дунёдаги энг катта мўъжиза деб ҳисоблаб, уларнинг таълим-тарбиясига ўта эътиборли бўлган оилалар ёки ўрта-миёна турдаги оилалардир.

Келинг, ҳар уч гуруҳни батафсил кўриб чиқамиз. Сўзни болаларни қандай бошқаришни билмайдиган ота-она ва устозлардан бошлаймиз.

Уларга болаларни тарбиялаш тавсия этилмайди. Бу ҳамма учун яхшироқ бўлади. Бироқ, биз баъзи истиснолардан хабардормиз - болаларни ёқтирмайдиган, аммо тасодифан уларни эгаллашга мажбур бўлган ёшлар бола тарбияси жараёнида ҳақиқий ота-оналик туйғуларини орттирадилар. Улардаги тажрибасизлик ва бепарволик бир зумда эҳтиром ва меҳр-муҳаббатга айланади.

Иккинчи тоифа оилалар - болаларни севадиган, аммо уларнинг имкониятларига шубҳа билан қарайдиган ота-оналар ҳисобланади. Улар фарзандларига ўйинчоқлар, меҳр-муҳаббат, қулай ривожлантирувчи муҳит яратиб қўя қоладилар.

Лекин болаларни севадиган, уларнинг интеллектини ҳурмат қиладиган иккинчи гуруҳга мансуб оилалар ҳам бор. Улар бола манфаатини дунёда энг муҳим деб ҳисобламайдилар. Шундай бўлса ҳам улар ажойиб ота-оналар ҳисобланиб, улар болаларининг манфаатларини биринчи ўринга қўймасдан, болаларнинг ўзларини биринчи ўринга қўядилар.

Ҳаётнинг энг катта маъноси фақатгина болалар деб ҳисоблайдиган ота-оналарни ҳақиқий ота-оналар деб аташ мумкин. Улар учун болаларнинг манфаати доимо биринчи ўринда туради.

Биз бундай оилаларни "профессионал" ота- оналар деймиз. Булар қандай касб эгаси бўлмасин, шифокорлар ва темирчилар, юристлар ва ўқитувчилар, ҳайдовчилар, ишчилар, олимлар ёки космонавтлар бўлиши мумкин. Бу одамлар ўзлари катта манфаатларга эгалари бўлсалар ҳам, барча манфаатлар орасида уларнинг фарзандлари биринчи ўринда туради. Улар учун фарзандлари дунёдаги энг қобилиятли ва ажойиб болалардир.

Хўш, қандай қилиб болалар ажойиб натижаларга эришишади?



Болалар ёшлигидан ўқиш жараёнидан завқланса, уларга ўрганиш осонроқ бўлади. Ёшимиз улғайган сари, ўрганиш жараёни қувончли бўлмайди. Аксинча, бу қийин жараён сифатида кечади. Бундан ташқари, ўқув машқлари азоб-уқубатсиз амалга ошмайди. Биз, катталар, ўқиш ва ўрганиш турли фанларга бўлинади, деб ҳисоблаймиз: мусиқа, география, математика, биология, тарих ва бошқалар. Ҳақиқатдан ҳам, агар кимдир тарих мавзусидаги суҳбатда математикага ўтадиган бўлса, у дарҳол "мавзуни ўзгартириш" да айбланади. Ёш болалар бунга бошқача қарашади. Баъзи болалар музлатгичлар ёки автомобил шовқинида ҳам мусиқий ноталарни эшитишади.

Қандай қилиб юз минглаб болалар ўқишни, санашни, энциклопедик билимларни ва жисмоний баркамолликни ўзлаштирадилар? Бунинг сабабчиси уларда ҳаётларининг энг юқори маъносини кўрган ота-оналар ва тарбиячилардир. Уларнинг болалари мамлакат ривожланишида катта фойда келтирадилар, улар ўзларининг қобилиятларини бошқа ота-она ва тарбиячиларга намойиш қиладилар. Болаларнинг ўзлари, устозлари ва ота-оналари ҳам бундан жуда мамнун бўладилар.

Леонардо да Винчи таъкидлаганидек, янги туғилган ҳар бир чақалоқ, юқори ақлий қобилиятга эга. Шундай экан, болаларга жуда эрта ёшдан бошлаб дунёдаги мавжуд бўлган ҳамма билимларни ўргатишни бошлашимиз мумкин. Демак, таълимни қанча эрта бошласак, уни ўзлаштириш шунчалик осонроқ бўлади. Болага кенг имкониятларни тақдим этиш, вазифаларни қувонч ва меҳр билан бажариш, сўнгра бир томондан уни кузатиш завқли кайфият бағишлайди.

Жисмоний машқларга сирпаниш, чайқалиш, югуриш, сузиш ва қўл ушлаш ёрдамида зинадан юқорига кўтарилиш киради. Мувофиқлаштиришни такомиллаштириш воситаси сифатида болаларга мусиқа асбобларини чалиш, ёзиш ва расм чизиш ўргатилади. Бунда болаларда ижтимоий кўникмалар муваффақиятли ривожланади. Болаларга ўқиш, санаш, энтциклопедик билимларни эгаллаш, мусиқий қобилиятларни ривожлантириш ва жисмоний баркамолликка қандай эришишни мисоллар орқали кўрсатиш зарур. Болаларнинг ўзлари севимли китобларини, математикага оид муаммоларни ва мусиқий ўйинларни танлайдилар ва ўзларининг қобилиятларини намойиш этиш учун қулай пайт топадилар. Бундай қулай вазиятлар ўйинлар бўлиб ҳисобланади. Болалар эришган натижалар уларнинг ютуқларидир. Агар улар юқори даражага кўтарилсалар, келажакда буюк чемпионлар бўлишлари мумкинлиги тушунтирилиши керак.

Болаларнинг баъзи ютуқлари қуйидагилар бўлиши мумкин. Уларнинг:

* ўз-ўзини тасвирлаш ҳикоялари

* мусиқа асбоблари концерти

* чет тилида ўқиш, ёзиш ва гапириш

* арқонга кўтарилиш

* гимнастик машқларини бажариш

* ўйинлар давомида ёш дўстларига муваффақиятли раҳбарлик қилиш

* ижтимоий кўникмаларнинг муваффақиятли эгаллаш ва бошқалар.

Шуни унутмаслигимиз зарурки, ҳар бир болани эришган ютуқлари билан рағбатлантириш шарт. Ҳатто унинг ютуқлари кичик бўлса ҳам.

Одамлар биз ҳар куни кузатадиган мўъжизалар билан ўралган бўлиб ҳисобланади. Ушбу ажойиб мўъжизалардан бири бу инсон танаси ва мияси ҳисобланади. Уни мўъжиза деб тан олмаслик, унинг имкониятларини йўқолишига олиб келади. Бир нечта мисоллар келтирамиз. Болангизнинг кичик мияси туғилиш пайтида қандай имкониятларга эга бўлишини билмоқчимисиз? Унинг имкониятлари жуда кўп бўлади. Уч ёшга келиб,

ўргатувчисиз ҳам ўз тилида равон гапира бошлайди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳаракатланиш ва интеллект бевосита боғлиқдир ва бу боғлиқлик айниқса, эрта болалик даврида жуда муҳимдир. Одамларда ҳаракат қилиш зарурати нафас олиш заруриятидан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳаракат инсоннинг бошқа барча қобилиятлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хўш, туғилишдан олти ёшгача бўлган болаларнинг ривожланиш жараёнида энг оддий нарса нимадан иборат?

Биз энди она бўлишни орзу қилган ёш аёлларни, тўққиз ойлик даврнинг турли босқичларидаги ҳомиладор аёллар, биринчи фарзандини туғишга тайёргарлик кўраётган ва тўртинчи фарзандни туғишга тайёргарлик кўраётган аёллар билан суҳбатлашдик. Туғруқдан олдинги уларнинг ҳолати ҳақида суҳбатлашдик. Туғруқдан кейинги боланинг илк ҳаёти билан танишдик. Биз болаларни ўз ўйин хоналарида, майдончада ва боғчаларда кузатдик. Шу жумладан, қишлоқ ва шаҳар болаларини, ўрмон ва чўлларда ўсган болаларни, кам таъминланган ва бадавлат оилаларнинг фарзандларини ўрганиб чиқдик.



Хўш, нимани билиб олдик?

Бизни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдик. Бирор нарсанинг одамда пайдо бўлиши ва уни намоён қилиш услуби ўртасидаги фарқни кўрдик. Ривожлантирувчи муҳитнинг қай даражада мукаммал ташкил этилгани бола ривожида шунчалик ижобий таъсир кўрсатишини аниқладик.

Неврологлар томонидан беморни нормал ҳолатга қараб текширилганда асосан, олтита нарса ўлчанади. Улар:

1. Ҳаракат қобилияти (юриш).

2. Тил кўникмалари (суҳбат).

3. Қўлда ишлаш (ёзиш).

4. Визуал қобилиятлар (ўқиш ва кузатиш).

5. Эшитиш қобилияти (тинглаш ва тушуниш).

6. Таъсирчанлик қобилияти (сезги ва тушуниш). Ушбу кўникмалар қанчалик яхши ривожланган бўлса, мактабда ўқиш шунча муваффақиятли бўлади.

Агар бола ушбу кўникмаларни тенгдошлари билан тенг равишда бажара олса, у ҳолда уни мактабга юбориш мумкин, деган хулосага келиш мумкин. Агар у вазифаларни тенгдошларига нисбатан бажара олмаса, унда муаммолар бўлиши мумкин. Агар бола шунга ўхшаш вазифаларни умуман бажара олмаса, уни болалар учун махсус мўлжалланган ўқув муассасаларидан бирига юбориш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, агар бола ушбу функцияларнинг олтитасини тенгдошларидан яхшироқ бажарса, у қобилиятли деб ҳисобланиши мумкин. Қисқача айтганда, бу олтита функцияни бажариш, ривожланмаганлик, нормаллик ва қобилият учун ҳаёт синови бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу функцияларни мукаммал бажариш деярли муқаррар равишда ҳаётдаги мукаммалликка олиб келади. Ҳаёт тақозоси билан баъзи бир шахслар деярли барча функцияларни аъло даражада бажара олсалар-да, улар омадсизлика учраши, ёки баъзи бир шахслар деярли барча функцияларни зўрға уддаласа-да, шунга қарамай муваффақият қозониши ҳам мумкин. Инсон учун муҳим бўлган олтита муҳим функция бир-биридан фарқ қилади. Улар кўриш, эшитиш, қўл маҳорати, сезги, нутқ, ҳаракатланиш бир-биридан фарқ қилади. Шубҳасиз, бу функциялар ўзаро боғлиқ. Болаларнинг ҳаракатланиш қобилиятини ривожлантирмасдан, у ёки бошқа даражада, визуал, қўл маҳорати, эшитиш, сезги ва нутқ қобилиятларини ривожлантириш мумкин эмас.

Боланинг жисмоний ақлий қобилиятини гармоник ривожлантира оламизми? Албатта. Аммо қандай?

1. Унга мияни ривожланиши босқичида ҳар бир нарсани ўрганиш учун барча имкониятларни бериш.

2. У вақтни беҳуда сарф қилмаслигига ишонч ҳосил қилиш, улғайиш учун ажойиб саёҳатлар уюштириш ва ундан завқланиш ҳисларини тақдим этиш.

3. Бола ривожланишининг барча босқичларида болаларнинг ҳаракатчанлиги учун идеал муҳитни яратиш.

Миллий урф-одатларимизга кўра, семиз бола соғлом бола. Аммо ҳақиқатдан ҳам шундайми? Соғлом болани қўлингиз билан ушласангиз, шунда сиз мушакларни ҳис қиласиз. Улар доимо ҳаракат қиладилар, шунинг учун она сути ёғга эмас, балки мушакларга айланади. Унинг натижаси чиройли ва қобилиятли болалардир. Шу натижага эришиш учун ҳам болаларни ривожлантиришнинг идеал муҳитини ҳозирлаш зарур. Бу иш ота-оналар, тарбиячилар ва бола таълими ва тарбиясига масъул инсонлар томонидан самарали йўлга қўйилсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.